

UZA

O'zbekiston
Milliy axborot
agentligi



**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ – ЎЗА
ИЛМ-ФАН БЎЛИМИ**

(ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ)

2022 ЙИЛ МАЙ

ТОШКЕНТ – 2022

Н.А.МУМИНОВА. Лақабларнинг ўрганилиш тарихи ва “Темурнома” асаридаги лақабларнинг лексик-семантик хусусиятлари.....	146
М.М.РАЙХОНОВА. Абдулла Орипов шеърларида ижтимоий дард тараннуми.....	152
Г.Р.КОМИЛОВА. Ўзбек мақолларидаги аксиологик моделлар таҳлили	158
З.СУВОНОВ. Бадий матннинг лингвистик экспертизаси муаммолари ва ечимлари.....	164
К.Х.АВИЛОВА, М.Ш.МАХАМАДЖОНОВА. Замонавий тиббиёт терминологиясида синонимия муаммоси.....	169
З.Ю.ЯЛЛАҚАЕВ, М.Ш.ХЎШБОҚОВА. Нафс – бадий ракурсларда.....	178
С.Ж.САИДМУРАДОВА. Назар Эшонкул хикояларида психологик тасвир имкониятлари.....	188
М.А.ХУСАНОВА. Поэтик асарлар экспрессивлигини таъминлашда визуал-график воситалардан фойдаланиш маҳорати.....	194
С.ТУРАБОЕВА. Жаҳон тилшунослигида лингвокультурологик бирликларнинг концептуал ўрганилиши.....	200
Н.П.ДЎСТМАМАТОВА. Ўзбек тилшунослигида градуонимияга оид тадқиқотлар.....	206
Ҳ.МИРСУЛТАНОВА. Журналистларнинг ахборот манбалари билан ишлашида юзага келувчи низоли ҳолатлар.....	213
Ф.М.ЯХЎЕВ. XX асрнинг иккинчи ярмида Навоий лирик мероси тадқиқи.....	220
С.АБДУРАХМАНОВА. Алишер Навоийнинг “Хамсат ул-мутаҳаййирин” асари поэтикаси.....	227
Ш.ЖУМАНОВА. Усмон Азимнинг пейзаж яратиш маҳорати.....	238
Ш.НИЯЗМЕТОВА. АҚШ кундалик газеталари: «Chicago Tribune» ва «Chicago Sun Times» нашрларининг Чикаго медиа бозоридаги ўрни ва роли.....	244
Т.Б.ШАРИПОВА. Постмодернизм адабиётида интертекстуал ҳодисанинг ўрганилиши.....	251

Тарих

Ш.Б.ХОЛИҚУЛОВА. Навоий вилояти эркин иқтисодий зонаси ва асос солиниш тарихи.....	256
Ш.З.ШАРИПОВ. Самарқанд вилоятидаги миллий – маданий марказлар фаолияти тарихи.....	262

Фалсафа

Б.Б.ИМИНОВ. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси феноменологик контекстида миллатлараро муносабатларнинг ижтимоий-сиёсий жиҳатлари.....	269
Р.Р.КАРИМОВ, Р.А.ДАВИДОВА. Постмодернизм и философская концепция Ж.Бодрийера.....	276

ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИДА ГРАДУОНИМИЯГА ОИД ТАДҚИҚОТЛАР

Нилуфар Пиримкуловна ДЎСТМАМАТОВА

ўқитувчи

Алишер Навоий номидаги
Ўзбек тили ва адабиёти университети

Тошкент, Ўзбекистон
ndustmamatova@gmail.com

Аннотация

Мақолада ўзбек тилшунослигида XX аср охирида кузатишга қараганда градуонимия ҳодисасига оид тадқиқотлар таҳлили келтирилган бўлиб, бу ҳодиса категория замирига сиғмаслиги, майдон сифатида ўрганилиши кераклиги таъкидланган. Шу билан бир қаторда градуонимиянинг дастлабки намуналари сифатида буюк мутафаккирларимиз Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг асарларидан мисоллар келтирилган.

Таянч сўзлар: социолингвистика, лингвомаданиятшунослик, когнитив лингвистика, корпус лингвистикаси, компьютер лингвистикаси, дискурсология, паралингвистика, психолингвистика, этнолингвистика, лингвопрагматика, градация, градуонимия, плесионимия, гипонимия, партонимия, меронимия, генеологик, морфологик, агглютинатив, флектив, аморф, полисинтетик.

ИССЛЕДОВАНИЯ ПО ГРАДУОНИМИИ В УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКОЗНАНИИ

Нилуфар Пиримкуловна ДУСТМАМАТОВА

преподаватель

Университет узбекского языка и литературы
имени Алишера Навои
Ташкент, Узбекистан

Аннотация

В данной статье анализируются исследования по явлению градуонимии, наблюдаемое в узбекском языкознании в конце XX века. Приводятся первые элементы градуонимии из произведений наших великих мыслителей Алишера Навои и Захриддина Бабура.

Ключевые слова: социолингвистика, лингвокультурология, когнитивная лингвистика, корпусная лингвистика, компьютерная лингвистика, дискурсология, паралингвистика, психолингвистика, этнолингвистика, лингвопрагматика, градация, градуонимия, плесионимия, гипонимия, партонимия, меронимия, генеологический, морфологический, агглютинативный, флективный, аморфный, полисинтетический.

Тил – жуда мураккаб тизим бўлиб, нафақат вужудга келиш, шаклланиш жараёнлари, балки доимий равишда ўзгариб бориши билан катта аҳамият касб

этади, шу билан бирга онтологик ва гносеологик хусусиятлари туфайли уни бир муқим қолига солишнинг иложи йўқ. Замон ва техника доимий ўзгариб туриши билан бир қаторда қадимдан бир қонда ва андоза асосида қўлланилаётган тил ҳам ўзлашган сўзлар, янгидан-янги атамалар билан бойиб, ўзгариб боради. Сўнгги пайтларда тилшунослик соҳасида социолингвистика, лингвомаданиятшунослик, когнитив лингвистика, корпус лингвистикаси, компьютер лингвистикаси, дискурсология, паралингвистика, психолингвистика, этнолингвистика, лингвопрагматика каби янги йўналишлар тобора ривожланиб бормоқда. Улар, ўз навбатида, тилшуносликдаги янгиликларга ҳамда ҳали аниқланмаган ҳодисаларга оидлик киритмоқда. Даставвал тил инсон учун фақатгина тасвирловчи бирлик ҳисобланган бўлса, айти дамда тил умумийликдан хусусийликка, хусусийликдан умумийликка каби диалектик босқичларга ўтиб бормоқда.

Маълумки, дунё тиллари олти мингдан зиёд бўлиб, уларнинг ривожланиши, такомиллашиб бориши турлича. Тиллар генеологик, морфологик ҳамда таркибий жиҳатдан тасниф қилиниб, тўрт гуруҳга бўлинган: агглютинатив, флектив, аморф ва полисинтетик. Ушбу турларга ажратиш тиллар типологияси фанининг асосини ташкил этади. Зеро, швейцариялик тилшунос Фердинанд де Соссюр фикрича, тил айнанлик ва фарқлиқлардан иборат [15; 665].

Умумий тилшуносликда бирорта ҳодиса даражадек ранг-баранг талқинга эга эмас, ваҳоланки барча тилшунослар даража, уларнинг турлари, маъноси ва ифодаланиши мавжудлигини эътироф этишган, бу борада кўплаб тадқиқотлар ҳам олиб борилган. Бунинг барчаси даража маъносини ифодаловчи восита ҳар хиллиги, қамрови кенглиги, грамматик категория мезонига сиғмаслиги билан белгиланади.

Зеро, “Тилдаги даражаланиш асосан борлиқнинг ўзида мавжуд бўлган даражаланиш билан узвий боғлиқдир. Материянинг узлуксиз ҳаракати, тараққиётга мос равишда миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига бир сифат туридан иккинчи сифат кўринишига оралик ҳолатлар орқали тадрижий ўзгариб боришнинг ўзи борлиқнинг даражаланиш замирида шаклланганлигини кўрсатади” [2; 9-13].

Юқорида таъкидлаганимиздек, тилшуносликдаги янгидан янги лингвистик йўналишлар ва ҳодисалар билан бир вақтда турли атамалар ҳам шаклланган: гипонимия, меронимия/партонимия, плеснонимия, градуонимия. XX асрнинг сўнгида лингвистик категория сифатида градуаллик категориясини тадқиқ этишга уринишлар кузатилган.

Ўзбек тилида даража маънолари А.Ғуломов, Ф.Исҳоқов, С.Т.Ғиёсов, А.Мадраҳимов, З.Маъруфов, Ҳ.Ғ.Неъматов, О.Бозоров, Ш.Орифжонова, Ж.Джумабаева, Л.Элмуродова, Н.Раҳмоновлар томонидан тадқиқ этилган.

С.Т.Ғиёсов ўз ишида “лексик градуал оппозициялар” (даражаланишнинг луғавий қаторлари) тушунчасини ўрганиб, ёрқин мисоллар билан ёритиб берган (умумий ижобий баҳо: *тузук – дуруст – яхши – ажойиб*; ташқи ижобий баҳо: *чиройли – кўркем – сулув – гўзал – зебо*) [2; 9-13].

1989 йилда “градуонимия” атамаси сўзлараро маъновий муносабатларнинг бир кўриниши сифатида “градуономия” [1; 35-37] ҳолатида ўзбек тилшунослигида “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да қўлланила бошланган бўлиб, бунда градацияга (лотинча *gradation* - аста секин баландлатиш, кучайтириш, *gradus* - даража, босқич) нутқ парчаларидан бири иккинчисининг маъносини (мазмунини) кучайтириб беришдан иборат услубий восита таърифи берилган. Тил бирликлари муайян бир белгисининг ўсиб ёки камайиб боришига кўра ўзаро зидланишини акс эттирувчи “градуонимия” атамаси ўзбек тилшунослигида лисоний маъновий муносабатни акс эттирувчи синонимия, омонимия, антонимия кабиларнинг умумий таркибий қисми бўлган – *онимия* қисмини лотинча *gradus* (“даража”, “босқич”) сўзи билан бириктириш асосида сунъий равишда ясалган [1; 37]. Гарчи синонимия ҳамда антонимия каби градуонимиянинг кўлами кенг бўлмаса-да, бу ҳодиса олимларнинг диққатини тортган.

А.Мамажоновнинг “Кўшма гап стилистикаси” номли китобида “Кўшма гаплар градацияси” мавзусига оид градация ифодалилиқни аста-секин кучайтириб ёки пасайтириб бориш усули [8;41-42], дея таърифлаган.

Р.Сафарованинг “Типонимия в узбекском языке” [14; 65-66] номзодлик диссертациясида эса градуонимия илмий гипотеза сифатида ўрганилган.

Ш.Орифжонованинг “Ўзбек тилида луғавий градуонимия” номзодлик диссертациясида ўзбек тилида шу вақтгача ўрганилмаган градуонимик луғавий қаторлар борасида фикр юритиб, услубий бўёқ маъноларида даражаланиш ҳодисаларини ўрганиш, ўзбек градуонимик луғатининг дастлабки намунасини тузиш бўйича тадқиқот олиб борган. Градуонимик қатордаги сўзларнинг маънолари бир-бирига яқинлиги, боғлиқлигига доир қуйидаги фикрларни билдирган:

а) градуонимик қаторда белгини даражаланиб, ошиб/камайиб боришида миқдорий ўзгаришларнинг сифат ўзгаришларига ўтиши шаклланади;

б) градуонимик занжирнинг икки чекка учи маълум бир белгининг тасдиғи билан бирга бир-бирини инкор этишда инкорнинг инкор қонуни намоён бўлади;

в) бир-бирини инкор этувчи (антонимик муносабатда турган) сўзларнинг бир етакчи сўз (доминанта) атрофида бирлашиб, бир луғавий маъновий қаторни – парадигмани, бутунлиқни ташкил этишда қарама-қаршилиқларнинг бирлиги ва кураши қонуни ўз аксини топади. Буларнинг барчаси градуонимик қаторлар тил луғат тизимининг ўзига хос алоҳида бутунлиқлари эканлигини исботловчи муҳим лисоний омиддир [13; 34-35].

Тилшунос О.Бозоров “Ўзбек тилида даражаланиш” монографиясида градуонимия ҳодисаси нафақат сўзлар орасидаги лингвистик ҳодиса, балки фонетика, фонология, морфология, синтаксис ва стилистика замирида ҳам аниқланганини исботлаб беради. У биринчи бўлиб лексик градуонимия лисоний қонуният эканлигини асослаш билан бир қаторда унинг табиий-онтологик, фалсафий, мантикий, гносеологик-методологик ва градуонимия механизми моҳиятини очиб берган [2;9-13].

Э.Қиличев эса “Ҳозирги ўзбек тили” конспектив курсида А.Навоийнинг “Муҳокаматул луғатайн” асаридан “ичмоқ” сўзининг олти, “йиғламоқ” сўзининг етти сўздан иборат қаторини келтириб (*йиғламоқ, инграмоқ, синграмоқ, сиқтамоқ, ўқирмоқ, инқирмоқ, ҳой-ҳой йиғламоқ*) улардаги даражаланишни градуонимия ҳодисасига киритган [18; 68]. Ушбу даражаланиш қаторида *йиғлаш* ҳолати белгиси *инқирмак* (изтироб чекиб ичидан йиғламоқ) феълидан *ҳой-ҳой йиғламак* (баланд овозда *ошқора йиғламак*) феълигача кучайиб боришини кўриш мумкин.

О.Х.Мамазияев “Ўзбек поэтик нутқида хиазм ва градация” номли номзодлик диссертациясида: “Градация (лотинчада *gradation* – босқичма-босқич кучайтириш) бадиий адабиётда қиёслаш, образ, поэтик, литофора ва бошқа тасвирий воситаларнинг кетма-кет кучайиб ёки пасайиб боришидан юзага чиқувчи стилистик фигура” таърифини бериб, градацияни кўпроқ поэтик нутқда қўлланилишини, градация ва градуонимия атамаларига таъриф бериб, улар орасидаги фарқларни аниқлашга ҳаракат қилиш асносида даражаланиш (градуонимия) тилга, даражалаш (градация) нутққа хос бўлган ҳодиса эканлигини таъкидлаган. Унинг фикрича, даражаланиш ва даражалаш тушунчалари бир хил тушунчалар эмаслиги, бироқ айни пайтда бир-бирига боғлиқ бўлган ҳамда бир-бирининг юзага чиқишида бевосита иккаласининг ҳам чамбарчас боғлиқлигини таъкидлаган [9; 72].

Ўзбек тилидаги даража категориясини функционал-семантик майдон сифатида ўрганган тилшунос Л.Элмуродова “Ўзбек тилида даража функционал-семантик майдони (белги даражаси микромайдони)” номзодлик диссертациясида даража тушунчасининг грамматик категория доирасига сиғмаслигини ва унинг сатҳлараро намоён бўлишини ҳамда даража функционал-семантик майдонининг лисоний ва нутқий хусусиятларини [17; 26] алоҳида таъкидлаб ўтади. Шунингдек, даражаланишни фақатгина сифатларга хос грамматик категория эканлигини таъкидлайди. Даража маъносининг синхрон-формал-функционал талқинини берувчи тилшунос унинг морфологик ва лингвистик хусусиятини ўрганишда диалектик методология асосида иш кўради.

Тилшунос олима Ж.Ш.Джумабаеванинг “Ўзбек ва инглиз тилларида лексик ҳамда стилистик градуонимия” мавзусидаги докторлик ишида: “Градация (кучайтириш) – ифодалиликни бирин-кетин кучайтириб ёки пасайтириб бориш усули. Агар ифодалилик бирин-кетин кучайтириб берилса, - климакс, агар пасайтириб берилса, - антиклимакс”, таърифи берилиб, ўзбек тили замирида градуонимия нафақат лексика, балки морфология ва синтаксисда ҳам ўзига хос аҳамиятга эга эканлиги баён этилган. Олима умумий тилшуносликдаги каби ўзбек тилида ҳам сўз, ибора ёки гаплар маъносининг ортиб (кучайиб) ёки камайиб боришини англаувчи даражаланиш ҳодисалари “градуонимия”, “градуонимик муносабат” ва “даражаланиш” атамалари билан бир қаторда деярли синонимлар сифатида қўлланилиши муқаррарлигини таъкидлаган [5; 6].

Таниқли олим Ҳ.Жамолхонов эса қуйидаги таърифни келтирган: "Градуонимия — лексемаларнинг маъно гуруҳлари аъзоларида у ёки бу белгининг даражаланиши. Бундай даражаланишга оппозиция (зидланиш)нинг бир тури деб қаралади ва шу қатордаги бош сўзга нисбатан белгиланади" [8; 186].

Б.Менглиевнинг "Ҳозирги ўзбек тили" дарслигида даражаланиш муносабатлари билан боғланган сўзлар қаторини ажратишдаги маъновий омилнинг моҳиятини аниқлашда бир қатор лексемалар семемасида маълум бир белгининг оз-кўплигига, турли хил даражаларига ишора мавжудлиги кўрсатиб ўтилган [11; 169].

Ж.Ш.Джумабаева "Циклические и уникальные градуонимические ряды в узбекском и английском языках" мақоласида градуонимияни синоним ва антонимларни бирлаштирувчи ноёб ҳодиса сифатида талқин этиб, циклик (даврий) градуонимик қаторлар атамасини таҳлил этиш асносида инглиз тилида градуонимия тадқиқот манбаи сифатида ўрганилмаганлигини асослаб беради.

Н.Д.Ширинованинг "Инглиз ва ўзбек тилларида предметлик ва белги-хусусият маъноларини фарқлашда градуонимик муносабатлар" диссертациясида инглиз ва ўзбек тилидаги градуонимик муносабатларни таҳлил қилиб, "...моҳиятан мантикий категориялар бўлган предметлик ва белги-хусусият маъноларининг инглиз ва ўзбек тилларида фарқланиш механизмининг тадқиқи мазкур тилларнинг фонетик, лексик ва грамматик сатҳлари бирликлари орасида воқеланадиган градуонимик муносабатлар лисоний онг, оламнинг ўзбеккона ёки инглизча лисоний манзарасини беришда ҳам ёрқин намоён бўлишини тасдиқлаши"ни таъкидлайди [16; 15-20].

М.Ф.Неъматованинг "Градуонимические ряды в словаре узбекских, английских синонимов" мақоласида инглиз тилида мавжуд лексемаларнинг градуоним қатори ўзбек тилида биргина сўз билан ифодаланмаслиги мумкинлиги, бу ҳолатда ушбу сўзлар қаторини ғайритабиий (уникал) градуоним қатори дея аталиши, уларнинг ўзига хослиги эса бошқа тилларда уларга мос эквивалентларнинг мавжуд эмаслигини таъкидлайди [12; 13-14].

Бир қатор илмий изланишлар натижасида Ш.Бобожонов ва И.Исломовлар томонидан мактаб ўқувчилари учун илк бора "Ўзбек тилининг сўзлар даражаланиши ўқув луғати" тузилиши ҳам ўзбек тилшунослигида луғатчилик борасида амалга оширилган аҳамиятга молик ишлардан бири ҳисобланади. Бироқ буни луғавий даражаланиш борасидаги ишларни тадқиқ этишдаги дастлабки қадам сифатида қабул қилишимиз мумкин. Зеро, ўзбек тилида сўзлар даражаланишининг ўзга тиллардаги эквивалентларини шакллантириш – ноёб асарларимизни бутун дунёга ўз жозибасини йўқотмаган ҳолда таржима қилишдек масъулиятли вазифани юклайди.

Шуни таъкидлаш лозимки, градуаллик категорияси бевосита фалсафа, мантик, психологияга асосланиб, инсоннинг онги, дунёқараши ва фаолияти унинг атроф-оламга нисбатан бўлган муносабатларининг кўпроқ ёки камроқ кўринишида намоён бўлади ҳамда градацион шкала (чизик)да ўз ифодасини

топади. Бу ҳолатда градуаллик марказида тўлиқ даражаланиш, унинг атрофида эса қисман даражаланиш кузатилади. Градуал шкала, градуаллик, градуонимик муносабат, градуатор, градотатив, градусема каби тушунчаларни чуқурроқ тадқиқ этиш градуонимия ходисасини майдон сифатида тадқиқ этишга замин яратади.

Хулоса қилиб айтганда, ўзбек тилидаги бирорта ҳодиса даражадек ранг-баранг талқинга эга эмас. Барча тилшунослар ўзбек тилида даража маъноси ва унинг ифодаланиши мавжудлигини эътироф этишгани ҳолда, унинг категориал хусусияти, таркиби ва ифодаловчи воситасида яқдил ҳамда умумий бир тўхтамга келишмаган. Бунинг барчаси даража маъносини ифодаловчи восита ҳар хиллиги, камрови кенглиги, грамматик категория мезонига сигмаслиги билан белгиланади. Бу эса даража ҳодисасини грамматик категориядан кенгроқ функционал-семантик майдон сифатида ўрганиш учун тўлақонли асос бўла олади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бегматов Э., Неъматов Ҳ., Расулов Р. Лексик микросистема ва унинг тадқиқ методикаси // Ўзбек тили ва адабиёти, 1989. – № 6. – Б. 35-37.
2. Бозоров О. Ўзбек тилида даражаланиш. – Тошкент: Фан, 1997. – 270 б.
3. Гиясов С. Семантическая структура и компонентный анализ качественных прилагательных узбекского языка: автореферат диссертации кандидата филол. наук. – Ташкент: Ленинград-Бухоро, 1983. – 27 с.
4. Джумабаева Ж. Ш. Об исследовании лексической градуонимии. Актуальные вопросы теории и практики филологических исследований //Материалы международной научно-практической конференции 25–26 марта 2011 года. – Пенза – Москва – Решт: «Социосфера», 2011. – С20-22.
5. Джумабаева Ж. Ш. Ўзбек ва инглиз тилларида лексик градуонимия. Тошкент: Мумтоз сўз, 2014. – 220 б.
6. Джумабаева Ж.Ш., Абдуллаева Н.Э., Градуоним компонентли ўзбек халқ мақоллари ва уларнинг инглиз тилидаги муқобиллари. //Хорижий филология, 2017. – №4. – Б. 31.
7. Жамолхонов Ҳ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Илм-Зиё, 2015. – 186 б.
8. Мамажонов А. Қўшма гап стилистикаси. – Тошкент: Фан, 1990. – Б.20-25.
9. Мамазияев О. Ўзбек поэтик нутқида хиазм ва градация: фил.фан. номзодлик диссертацияси. – Фарғона: ФарДУ, 2004. – 24 б.
10. Mengliyev V. Hozirgi o'zbek tili. – Toshkent: Tafakkur bo'stoni, 2018. – 169 б.
11. Навоий, Алишер. Муҳокаматул-луғатайн. 16-жилд. – Тошкент: Тафаккур, 2014. – 144 б.
12. Неъматова М. Ф. Градуонимические ряды в словаре узбекских, английских синонимов. //Вестник науки и образования, 2021. – №2 (105). – С.60-67.

13. Орифжонова Ш. Ғ. Ўзбек тилида луғавий градуонимия: фил. фан. номзоди диссертация автореферати. – Тошкент: ЎзР ФА Тилшунослик институти, 1990. – 26 б.
14. Сафарова Р. Гипонимия в узбекском языке (на материале общеупотребительных зоонимов): Дисс. ...канд.филол.наук. – Тошкент: ЎзР ФА Тилшунослик институти, 1990. – 19 б.
15. Соссюр Ф. де. Труды по языкознанию. – Москва: Прогресс, 1977. – 665 с.
16. Широнова Н. Д. Инглиз ва ўзбек тилларида предметлик ва белги-хусусият маъноларини фарқлашда градуонимик муносабатлар: фил. фан. номзоди диссертацияси. – Тошкент, 2020. – 134 б.
17. Элмурадова Л. Н. Ўзбек тилида даража функционал-семантик майдони (белги даражаси микромайдони): филол. фан. номзодлик диссертацияси. – Тошкент: ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги тил ва адабиёт институти, 2011. – 123 б.